



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 24 апрель, № 84 (7586)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



«Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати давлатимиз ва халқимиз бирлигини, унинг беқиёс қудратини ёрқин намоён этиб, янги тарихимиз саҳифаларидан мустаҳкам ўрин олади, деб ишонаман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 апрель куни тўқимачилик саноати барқарорлигини таъминлаш, пандемиянинг соҳага таъсирини юмшатиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимиз тўқимачилик саноатида 2 мингдан зиёд корхоналар фаолият юритмоқда, уларда 365 минг нафар аҳоли ишлайди. Соҳанинг экспорт салоҳияти сўнгги 3 йилда 2 баравар ошди. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 1,6 миллиард долларни ташкил этди.

Лекин булар ҳали етарли эмас. Соҳада улкан резерв ва имкониятлар бор. Хусусан, юртимизда етиштирилган пахтани тўлиқ қайта ишлаб, экспортни 15 миллиард долларга етказиш ва 3 миллиондан ортиқ аҳолини иш билан таъминлаш имконияти мавжуд.

Йиғилишда пандемия даврида тармоқни барқарор ишлатиш учун корхоналарни айланим маблағ билан таъминлаш масаласи

кўриб чиқилди. Жорий йил 1 апрелга қадар сотилган пахта толасининг якуний тўлов мuddати 90 кундан 150 кунга узайтиришга кўрсатма берилди.

Молия вазирлигига корхоналарнинг айланма маблағини ўзида сақлаб қолиш учун экспорт божхонада расмийлаштирилган заҳоти қўшилган қиймат солигини қайтариб бериш механизмини жорий қилиш вазифаси топширилди.

Келгуси 5 йилда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни 4-5 бараварга кўпайтириш, таннархни рақобатчиларга нисбатан арзонлаштириб, ташқи бозорларни эгаллаш бўйича топшириқлар берилди. Бунинг учун маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириб, сифатини кескин ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Хусусан, хорижий компаниялар билан биргаликда йирик экспорт корхоналари ташкил этиб, таниқли брендлар асосида бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан кўрсатма берилди.

Шу мақсадда Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида тайёр маҳсулот экспорт қилувчи янги корхоналар учун технопарк ташкил этилади. Ушбу лойиҳаларни молиялаштиришга Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан кредит линияси доирасида 300 миллион доллар маблағ ажратилади.

Йиғилишда ҳам ашё етиштириш ва ишлаб чиқариш занжирини таннархни камайтириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Мамлакатимизда йиллар давомида пахта толасининг ўзи экспорт қилингани учун унинг нархи Ливерпуль котировкасига боғланган эди. Аслида пахта толаси Нью-Йорк биржасида сотилади ва унинг нархи Ливерпульникидан 10 фоизга арзон юради.

Бу тўқимачилик маҳсулотлари қиймати ошишига таъсир қилётгани қайд этилиб, мутасаддиларга пахта толаси нархини халқаро биржа котировкасига ўтказиш юзасидан топшириқ берилди.

Йиғилишда тўқимачилик корхоналарининг ташқи бозорларга чиқиши учун қулай шароит яратиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Бу соҳадаги тайёр маҳсулотларимиз экспортни, асосан, минтақа бозорига боғланиб қолган.

Экспортёрлар Европага кириши учун 15 фоиз бож тўлаш ва 4 баравар кўп транспорт харажати қилишга мажбур бўлмоқда.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига Европа Иттифоқи бозорлари учун «GSP+» макomini олиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, Халқаро молия корпорацияси кўмагида маҳсулотларни «BSI» стандартлари асосида сертификатлаш ишларини жадаллаштириш кераклиги таъкидланди. Экспортёрлар харажатларини субсидия қилишни янада кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

Ў.А.

«Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати халқимизни янада жипслаштиради

Коронавирус билан боғлиқ турли чекловлар иқтисодиёти бақувват, тиббиёти ва бошқа ижтимоий соҳалари ривожланган давлатларни ҳам мураккаб аҳволга солиб қўйди.

Мамлакатимизда синовли кунлардан мардонавор ўтиш бўйича қатъий ҳаракат қилинмоқда. Президентимизнинг тезкор, муаммолар ечимига аниқ йўналтирилган Фармон ва қарорлари, видеоселектор йиғилишларида ушбу хавфни бартараф этиш бўйича қатъий белгилаб бераётган вазифалари бу жараёнда асосий ўрин тутмоқда.



Энг муҳим жиҳат шундаки, Юртбошимиз пандемияга қарши курашиш юзасидан ҳаётий ташаббуслар билан чиқиб, давлат ва жамият имкониятлари ҳамда саёй-ҳаракатларини ягона мақсад йўлида бирлаштирди. «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатини ташкил этиш ташаббуси ҳам шундай эзгу гоялардан бўлди.

Мазкур эзгу ташаббуснинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

Акс садо

3-саҳифага қаранг



Коронавирус

пандемиясига қарши курашни бир лаҳза ҳам тўхтатмаймиз.

Бу одамларимиз, аҳолимизнинг соғлиғи, ҳаёти билан боғлиқ ўта муҳим масала.



«Саховатли инсоннинг бошига жаннат дарахтлари соя солади».



«Яхшилиқнинг мукофоти — фақат яхшилиқдир».



«Кўкламнинг ҳар бир дами — ганимат!».



Муносабат

ЮРТДОШЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН УЗОҚ КУТИЛГАН ТАРИХИЙ ВОҚЕА

Эндиликда «прописка» атамасидан воз кечилмоқда.

Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида прописка тизимини халқаро тажрибани ўрганиб чиққан ҳолда ислоҳ қилиш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди. Шу асосда бу масала 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастуридан ҳам ўрин олди.

Давлатимиз раҳбарининг «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ана шу вазифаларнинг амалий ифодаси бўлди.

Халқимиз томонидан узоқ кутилган ушбу тарихий ҳужжат билан йиллар давомида фуқароларимизга қийинчилик туғдириб келган қатор муаммолар ўз ечимини топади. Хусусан, эндиликда «прописка» атамасидан воз кечилмоқда.

Мазкур Фармон ва у билан киритилаётган қатор энгилликларни турли соҳаларда фаолият юритаётган мутасадди-ходимлар, кенг жамоатчилик катта хурсандчилик билан кутиб олди.



Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади

Депутатлар Давлат дастурининг биринчи чоракдаги ижросини кўриб чиқишди

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси онлайн форматда — видеоконференцалоқа тарзида ўтказилди.

Унда дастлаб Вазирлар Маҳкамасининг 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2020 йил биринчи чоракдаги ижроси кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда иқтисодиёт тармоқларида амалга оширилган таркибий ўзгаришлар, ислохотлар ҳамда ўз вақтида қўрилган амалий чора-тадбирлар ҳисобот даврида макроиктисодий барқарорликни таъминлашда муҳим омили бўлгани таъкидланди.



Қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — муваффақият гарови

Юртимиз иқтисодиётида Навоий кон-металлургия комбинати муҳим ўрин тутди. Хозирги кунда комбинатда қарийб 56 минг нафар ишчи-ходимлар меҳнат қиляпти. Навоий ва Зарафшон шаҳри, Учқудук, Кармана, Қизилтепа, Навбаҳор ва Хатирчи туманларида яшаётган 17 минг нафардан ортиқ ходимларимиз ўз томорқасига эга.

Масъулият

Улар зиммасидаги вазифаларни бажариш борабора, томорқа ҳўжалигидан унумли фойдаланиб, оиласини зарур мева-чева, сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш ва эҳтиёжидан ортигини бозорда сотиб, хонадонини учун қўшимча даромад олаётганини ҳам айтиш ўринлидир.

Шуларни ҳисобга олиб, ишчи-ходимлар ўртасида томорқа маданияти бўйича кенг қўллади тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Айни чоғда комбинат етакчи ёшлари улар томорқадан ортигини бозорда сотиб, қандай фойдаланаётганини жойларга чиқиб ўрганимоқда.



УЙДА ҚОЛИНГ!

«Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати халқимизни янада жиҳслаштиради



Абдуқодир ТОШКУЛОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:
— Президентимизнинг “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббуси халқ бирдамлиги, ҳамжиҳатлигини таъминлашнинг ноёб механизмидир. Ушбу жараёнда тадбиркорлар, фермерлар ва саховат-пеша бошқа инсонлар ўз ихтиёрлари билан эҳтиёжмандларга, ишсизларга бегараз ёрдам кўрсатадилар. Бунинг эвазига уларга давлат томонидан солиқ, лизинг, кредит тўловлари, зарур ресурслар билан таъминлаш бўйича турли имтиёз ва преференциялар берилади. Қарабисизли, инсонлар орасида меҳроқибат ришталари янада мустаҳкамланади.
Сахоат корхоналари, қурилиш ташкилотларини босқичма-босқич қарантиндан чиқариш ҳам аслида ана шу эзгу мақсадга йўналтирилган. Зеро, корхонада маблаг бўлса, албатта, савобли ишларга бош қўшади. Ҳозир эҳтиятимиз: ҳаҳ сафари учун йиғиб қўйган маблағини қийнаиб турганлар учун сарфлаётган юртдошларимиз ҳам бор. Бу ташаббусдан кейин ана шу эзгу ҳаракатлар янада

кенг қулоч ёзади, ушбу йўналишдаги ишлар марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади.
Улуғбек ИНОЯТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари:
— “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати эҳтиёжманд бўлиб қолган ҳар бир оилга етиб бориши, ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмаслиги учун партияимизнинг бошланғич ташкилотлари, барча даражадаги депутатлар ҳам фаоллик кўрсатиши талаб этилади. Чунки ЎзХДП дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, жойлардаги ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ вазиятдан партияимиз депутатлари ақидан хабардор бўлиши керак.
Бунинг учун, биринчи навбатда, қайси ҳудудда кимга ёрдам қилиниши бўйича манзилли рўйхатлишни шакллантириш, ногиронлиги бўлганлар, буюқвусини йўқотган ёлғиз аёллар ва кексалар, кўп болали оилаларга муурожаат қилишнинг қутиб ўтирмадан, ижтимоий кўмак етиб боришини эътиборга олиш лозим.
Саховат ва кўмакка қурби етадиган тадбиркорлар, фермерларга, кластерга давлат то-

монидан имтиёз ва преференциялар берилишини тушунтириш, айна пайтда тадбиркорларнинг бу имтиёзлардан фойдалана олишига амалий ёрдам бериш зарур. Маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар бу борада таъсирчан имкониятларга эга. Эл-юртга ёрдам берган тадбиркорлар турли англашилмовчилик ва сансалорликлар сабаб бўлиб, давлатдан кўмак олишга қўйналмаслиги керак. Бу иш ўринларига ҳам салбий таъсир етказиши мумкин.
“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати Рамазон ойи кўнларидаги эзгу амаллар билан уйғуналошиб кетишида ҳам чуқур маъно бор. Муқаддас ойда муҳтожларга ёрдам кўрсатилиши, эҳтиёжмандларга қўллаб-қувватланиши руҳий бирдамлигимиз ва бардамлигимизни оширади. Айни шу туйғулар мураккаб синовларни енгиб ўтишда ҳаммамизга қўшима куч-қувват беради, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати халқимизни янада жиҳслаштиради.
Аъзам МАДАМИНОВ, Адлия вазирлиги хузуридаги Ҳуқуқий сисёат тадқиқот институти директори:
— Президентимиз ташаббусининг амалга ошириш меҳа-

лизмларидан бири сифатида Вазирлар Маҳмамасининг жорий йил 22 апрелдаги фармоиши билан “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) бўлинмалари ташкил этилди, жамғарма тўғрисидаги низоом тасдиқланди.
Шу ўринда юртдошларимизда жамғармага юборилаётган хайрия маблағларининг сарфланиши билан боғлиқ шаффоқлик қандай таъминланади, деган савол туғилиши мумкин. Айтиш керакики, “Саховат ва кўмак” жамғармаси фаолияти устидан давлат ва жамоатчилик назорати ўрнатилади. Бу масалада, биринчи навбатда, жамоатчилик назоратини таъкидлаш лозим. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ҳам ушбу жамғарма маблағлари сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқига эгалар. Шунингдек, жамғармани ташкил қилиш ҳақидаги Вазирлар Маҳмамаси фармойишида ҳам жамоатчилик назорати субъект-

ларига жамғарма ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти устидан қулиқ жамоатчилик назоратини ўрнатиш тавсия этилди.
Бундан ташқари, жамғарма низомида маблағларнинг келиб тушиши, улардан фойдаланилиши ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилиши белгилаб қўйилди. Бу ҳам халқ назоратини таъминлашга хизмат қилади. Ва, албатта, жамғарма маблағлари сарфланиши устидан давлат назорати ҳам таъминланади. Маблагларнинг мақсади ишлатилишини устидан Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати идоралари доимий назорат қилиб туради. Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органлар ҳам ўз аҳолига доирасида назоратни таъминлашга шубҳа йўқ.
Азаматхўжа ЮНУСХЎЖАЕВ, тадбиркор (Тошкент шаҳри):
— Давлатимиз раҳбарининг “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш бўйича эзгу ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Шу боис бу ҳақда эшитишим билан маҳалламиз раисига учрашиб, ҳудудимизда истиқо-

мат қилаётган кам таъминланган оилаларни зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ишларига кўмаклашишни маслаҳат қилдим. Бунда узилишга йўл қўймаслик нуктаи назаридан бошқа корхона раҳбарлари билан ҳам келишиб олдик. Қарантин вақтида 50 фоиз ишчиларимиз меҳнат таътилида. Лекин биз ишчи-ҳодимларимизнинг барчасига ойлик маошларини тўлиқ беришга қарор қилганмиз.
Халқимиз бошига тушган бугунги синовли кўнлар ҳар биримизнинг аслида ким эканлигимизни кўрсатиб бермоқда. Кимлардир қалб амири билан эҳтиёжмандларга ёрдам беришга баҳоли қудрат интилламоқда. Таассуфки, яна кимлардир турли ижтимоий тармоқларга танда қуриб олиб, одамлар саховатга мажбурланаётгани ҳақида асоссиз гап-сўзлар, уйдирмаларни урчиштига ҳаракат қилипти. Энди йўлаб қўринг: ким савоб оляпти, ким эса гуноҳ. Қолаверса, Президентимиз маъмур умумхалқ ҳаракатига қўйилган тадбиркорларга енгиллик берилиши қайд этди. Шу маънода, маъмур ташаббуси халқимиз учун ҳам, тадбиркорлар учун ҳам айна мудоаодир.
«Халқ сўзи».

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Бугунги кунга қадар **561 нафар** юртдошимиз коронавирусдан халос бўлиб, реабилитация режимига ўтказилди.

Ҳозирги кунга келиб, нафақа ва моддий ёрдам оладиган болали оилалар сони **595 мингдан 655 мингга**, яъни **60 мингтага** кўпайтирилди.

Аҳолининг кредитлар бўйича **3 триллион 260 миллиард сўмлик** тўловлари муддати узайтирилди.

Қарантин даврида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан **141 минг 800 нафар** ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланиб, уларга **43 миллиард 225 миллион сўм** иш ҳақи тўлаб берилди.

Хайрияларни мувофиқлаштириш марказлари томонидан **219 минг** оилалар озиқ-овқат ва санитария-гигиена маҳсулотларини тарқатилди.

Қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари ва хонадонларда иссиқхоналар ташкил этиш ҳисобига **14 мингта** янги иш ўрни яратиш мумкин.

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида **110 минг** кишини мавсумий, **167 минг** фуқарони жамоат ишлари билан қамраб олиш вазифаси қўйилган.

Эҳтиёжманд оилалардан кўмагимизни аямаймиз

Бугун синовли даврни бошимиздан ўтказмоқдамиз. Коронавирус пандемияси тўғрйли жорий этилган қарантин шароитида вақтинча ишламаётган ва ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаб, уларни манзилли асосда озиқ-овқат ҳамда дори-дармонлар билан таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Дил сўзи

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини, меҳр-саховат ва оқибат каби юксак фазилатларини инобатга олган ҳолда, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббусини илгари сурди. Бу ташаббус Хоразм вилояти тадбиркорлари, фермерлари томонидан ҳам ақидилик билан қўллаб-қувватланмоқда. Ўз навбатида, ушбу ҳаракатда фаол қатнашган тадбиркорлар, фермерларга солиқ, кредит тўловларида имтиёзлар бериш, лизинг асосида қулай шартларда қишлоқ ҳўжалиги техникалари ва минерал ўғитлар етказиб беришининг йўлга қўйилиши кичик бизнес субъектларининг ўз қаддини тиклаб олиши, ривожланиши учун яратилган яна бир имкониятидир.
Фермер ҳўжалигимиз аъзолари билан маслаҳатлашиб, қарантин тўғрйли оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган 95 оилалар 10 миллион сўмлик гушт ва бошқа маҳсулотлар етказиб бердик. Бешмерган маҳалласи аҳолисининг томорқа ерларига сув чиқариб берувчи насоснинг электр энергияси тўлови учун 7 миллион 150 минг сўмни ҳўжалигимиз ҳисобидан қопладик.
Эрта-индин ипак қурти парвариши бошланади, дала-

Ниятга ният қўшилса — давлат

Баъзан шундай бўлади: “Бугун об-ҳаво очик”, деб бепарволик билан юпун кийиниб, ёмғирпўйисиз кўчага чиқсак, қаердандир қора булут пайдо бўлиб, шаррос ёмғир қуяди. Устимиз шалаббо бўлиб, тумовлаб қоламиз.
Коронавирус ҳам ана шундай қутилмаганда дунё бўйлаб ёйилди: борнинг молини сочиб, йўқнинг устини очиб. Шу қадар тортмоқдаки, йўғонлар чўзилиб, ингичкалар узилимоқда.

Бугуннинг гапи

Эътибор бераётган бўлсангиз, шундай кескин шароитда ҳам Ўзбекистон собит турибди, осийошта қудрат билан чора-тадбирлар белгилаб, бир бугунининг эмас, эртанги улкан истиқболининг ҳам режаларини тузмокда. Президентимизнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ишда улўғ ният муҳассас. Халқни қарантирляпти. Видеоселектор йиғилишларида қўйилган вазифалар умиди, ҳаракати бор ҳар бир одамнинг одимини тезлаштиради. Мамлакатимиз қатъият билан коронавируснинг пайини қирқиб, ўз фуқароларининг соғлиғига қайғуриб, шу билан бирга, халқимиз фаровонлиги учун, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни икки баробар оширишга бел боғлади.
Ўзини таъминлаб, яна ўзидан орттириб, халқ келахатини яратишининг ҳам қўни-қўшни билан баҳам қўришнинг номини хиймнат дейдилар. Ҳимматга юрағида ғайрати, билағида кучи қайнаган қодир. Албатта, мурад улўғ, доволанг баянд. Бу ишларнинг ўзи бўлмайди. Бюджетдан катта маблағ ажратилмоқда. 124 минг гектар обортдан чиққан ерлар тўлиқ ўзлаштирилади, суь олиб келинади. Саккизта туман картошка уруғи етиштиришга, қўллаб кластер корхоналари, кооперативлар мева-сабзавотчиликка иxtиссослаштирилади. Чорвачиликга субсидиялар берилади. Шунингдек, мингглаб иссиқхоналар қурилади. Хатто хонадонларга жўжаларгача олиб бериб берилиб, қирқ кундан сўнг буюртмачининг ўзи келиб сотиб олиш ишлари йўлга қўйилади.
Ҳокимга ҳам, прокурорга ҳам, ҳар бир оила билан бирга бўлиш, томорқасидан унумли фойдаланиши учун керакли шароитларни яратиш топшириги берилибди.
Буларнинг барчаси улкан режаларимизнинг бир қисми. Уларга камарбаст бўлаётган юртдошларимиз, бугун томорқаларида етиштирилган



қўкат, помидор ва бодрингининг, ҳадемай пишиб етилادиган гилосу ўрикларининг пулини чамалаб турибди. Чунки улар имкониятлардан унумли фойдаланиб, ерга “жонни тўшаб”, уч мартадан ҳосил қўтариб, ўн-ўн икки сотих томорқасидан 50 — 60 миллион сўм даромад қўраётган асл деҳқонлардир. Улар учун ҳар қарич ер — ҳазина.
Афсуски, орамизда бир ботмон ерида антоқ ўстириб қўйиб, иш йўқ, пул йўқ, деб рўзгорини хору зорлик боткоғига ботириб ўтирган юртдошларимиз ҳам йўқ эмас. Улаомларимиз эҳсон, ҳақиқатан ҳам, муҳтож кишиларга берилиши керак, дейди. Бу дунёда ноз-неъматларнинг уволи бўлгани каби, албатта, шу ноз-неъматларни етиштириб бергуччи,

бизни боқувчи ернинг ҳам, фақат оху нола ва шикоятларга сарф бўлаётган куч-қувватнинг ҳам, тоғни талқон қилишга қодир соппа-соғ тўрт мучаннинг ҳам жавоби бор.
Назаримда бундай боқибеғамларга қарата коронавирус ҳам: “Мени-ку йўқотасизлар, лекин ич-ичларингда менинг ақин дўстим — лоқайлик бор. У мени сизларнинг ҳаётингизга йўқчиликлар, муҳтожликлар, норозчиликлар, аяқловчи ва дангасалиқлар, турли хасталиклар қўрнинида чорлай-верайди”, деяётгандек...
Ҳақиқатан ҳам, лоқайлик — барна иллатнинг онаси. У оқибат ўз ҳаётимиз, Худо берган имкониятларимизни ўзимизга оёқ ости қилдириб, уларнинг гуноҳига қолишимизга сабабчи бўлади.
Буюк ватандошимиз Ал-Ҳаким ат-Термизий “Инсон ҳеч нарсани йўқотмидан қўрқмаслиги керак. Фақат ниятини йўқотмидан қўрқиб қерак”, деган эди.
Президентимиз, халқимиз улўғ ният, юксак орзу-мақсадлар йўлида собитқадамлик билан дадил илгариланмоқда. Қараб турмайлик, шу қутлўғ интилишларга биз ҳам умидимиз, ниятимиз, режамиз билан қўшилиб, бир бутун давлат, бир бутун Ватан, бир бутун Ўзбекистон бўлайлик.
Биз ёлғиз эмасмиз. Қудрати ҳўжиб турган халқимиз, азиз юртдошим!

Эзгу умидлардан
дарёдай ҳўжиб,
Улуғ ниятларга бир ният қўшиб.
Шаҳданиб, тоғлару
довонлар ошиб,
Биз ҳам Ўзбекистон бўлайлик,
юртдош!
Тўрт кўз тугал бўлиб,
соғ-омон юриб,
Ватан ичра Ватан,
бир бўстон қуриб.
Азиз Юртбошимнинг ёнида
туриб,
Биз ҳам Ўзбекистон бўлайлик,
юртдош!
Нортўра ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмиси
Сурхондарё вилояти бўлими
етақчи мутахассиси.

«Халқ сўзи».

